

1401/3436 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَمْ يَتَكَلَّمْ فِي الْمَهْدِ إِلَّا ثَلَاثَةً: عِيسَى، وَكَانَ فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ رَجُلٌ يُقَالُ لَهُ جُرَيْجٌ، كَانَ يُصَلِّي، جَاءَتْهُ أُمُّهُ فَدَعَتْهُ، فَقَالَ: أَحْيِيهَا أَوْ أَصَلِّي؟ فَقَالَتْ: اللَّهُمَّ لَا تُمِتْنِي حَتَّى تُرِيَهُ وَجُوهَ الْمُؤْمِسَاتِ، وَكَانَ جُرَيْجٌ فِي صَوْمَعَتِهِ، فَتَعَرَّضَتْ لَهُ امْرَأَةٌ وَكَلَّمَتْهُ فَأَبَى، فَأَتَتْ رَاعِيًا فَأَمَكَنْتُهُ مِنْ نَفْسِهَا، فَوَلَدَتْ غُلَامًا، فَقَالَتْ: مِنْ جُرَيْجٍ، فَأَتَوْهُ فَكَسَرُوا صَوْمَعَتَهُ وَأَتَزَلَوْهُ وَسَبُّوهُ، فَتَوَضَّأَ وَصَلَّى ثُمَّ أَتَى الْعُلَامَ، فَقَالَ: مَنْ أَبُوكَ يَا غُلَامُ؟ قَالَ: الرَّاعِي، قَالُوا: تَبْنِي صَوْمَعَتَكَ مِنْ دَهَبٍ؟ قَالَ: لَا، إِلَّا مِنْ طِينٍ. وَكَانَتْ امْرَأَةٌ تَرْضِعُ ابْنًا لَهَا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ، فَمَرَّ بِهَا رَجُلٌ رَاكِبٌ ذُو شَارَةٍ، فَقَالَتْ: اللَّهُمَّ اجْعَلِ ابْنِي مِثْلَهُ، فَتَرَكَ تَدْيَهَا يَمَصُّهُ وَأَقْبَلَ عَلَى الرَّاكِبِ، فَقَالَ: اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلَنِي مِثْلَهُ، ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَى تَدْيِهَا يَمَصُّهُ، - قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمَصُّ إصْبَعَهُ - ثُمَّ مَرَّ بِأَمَةٍ، فَقَالَتْ: اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلِ ابْنِي مِثْلَ هَذِهِ، فَتَرَكَ تَدْيَهَا، فَقَالَ: اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِثْلَهَا، فَقَالَتْ: لِمَ ذَاكَ؟ فَقَالَ: الرَّاكِبُ جَبَّازٌ مِنَ الْجَبَابِرَةِ، وَهَذِهِ الْأَمَةُ يُقُولُونَ: سَرَقَتْ، زَيْتٍ وَلَمْ تَفْعَلْ.

1401.3436. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «**Бешикда фақат учтаси гапирган:**

**Ийсо;**

**Бану Исроилда Журайж деган киши бор эди. У намоз ўқиётган эди, онаси келиб қолиб, уни чақирди. У унга жавоб берсаммикан ёки намоз ўқийверсаммикан, деб қолди. Шунда онаси: «Аллоҳим! Унга фоҳишаларнинг юзини кўрсатмагунингча ўлдирма», деди. Журайж ўз узлатгоҳида эди. Бир аёл унга рўбарў келиб, гап отган эди, (Журайж) кўнмади. Шунда аёл бир чўпоннинг олдига бориб, унга**

Ўзини топширди ва бир бола туғиб, «Бу Журайждан бўлган», деди. Шунда унинг олдига келиб, узлатгоҳини бузиб ташлашди, ўзини тушириб юборишди ва ҳақоратлашди. Шунда у таҳорат олиб, намоз ўқиди. Сўнгра боланинг олдига келиб: «Отанг ким, эй бола?» деди. У: «Чўпон», деди. (Шундан кейин) одамлар: «Узлатгоҳингни олтиндан қуриб берамиз», дейишди. У: «Йўқ, фақат лойдан (қурасиз)», деди;

Бану Исроиллик бир аёл ўғлини эмизаётган эди, унинг олдидан бир кўркам отлиқ киши ўтиб қолди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлаб, отлиққа бурилди-да: «Аллоҳим, мени унга ўхшатиб қўймагин», деди. Сўнг яна (онасининг) кўкрагига бурилиб, уни сўра бошлади. – Абу Ҳурайра: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз бармоқларини сўраётганларини кўриб тургандекман ҳамон кўз ўнгимда», деди. – Кейин бир чўри олиб ўтилди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни мана шунга ўхшатиб қўймагин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлади-да: «Аллоҳим, мени шунга ўхшатгин», деди. Шунда аёл: «Нима учун?» деди. (Бола): «Отлиқ зўравонлардан бири эди. Мана бу чўрига эса: «Ўғрилиқ қилгансан, зино қилгансан», дейишяпти, бироқ у бундай қилмаган», деди».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI